



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент архитектура
қурилиш институти
ректори,

Р.Р.Ҳакимов

“ 22 ” 12 2017 й.

“Академик таътилга чиқиш учун ариза бериш”
интерактив хизматининг регламенти

1. Хизмат таърифиди.

1.1. Хизмат номланиши.

Қисқа номи: “Академик таътилга чиқиш учун ариза бериш”.

Кенгайтирилган номи: Тошкент архитектура қурилиш институти (кейинги ўринларда - ТАҚИ) расмий веб-сайти орқали “Академик таътилга чиқиш учун ариза бериш”.

1.2. Хизмат натижаси.

1-7 босқич талабаларидан академик таътилга чиқиш бўйича ТАҚИ ректори номига электрон тарзда ариза қабул қилиш.

1.3. Хизмат кўрсатувчи.

Хизмат ТАҚИ томонидан кўрсатилади.

1.4. Ҳуқуқий асослар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2138]

1.5. Талабалардан қуйидаги ҳолатлар учун аризалар қабул қилинади:

- ҳарбий хизматни ўташ учун;
- саломатлигини тиклаш учун;
- ҳомиладорлик ва туғиш учун;
- болаларни парвариш қилиш учун.

1.6. Ариза бериш муддатлари.

Талабалар ўқув йилининг ҳар қандай қисмида ТАҚИ ректори номига академик таътилга чиқиш учун электрон ариза орқали мурожаат қилиши мумкин.

Академик таътил ўқув йилининг ҳар қандай қисмида, қуйидаги муддатларга берилади:

- ҳарбий хизматни ўташ учун – қонун ҳужжатларида белгиланган ҳарбий хизматни ўташ муддатига;
- саломатлигини тиклаш учун – 12 ой муддатгача;
- ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш учун – қонун ҳужжатларида белгиланган ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари муддатига.

1.7. Бажарилиш муддати.

7 иш куни

2. Хизматдан фойдаланувчини хабардор қилиш.

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми.

Мурожаат этган аризачига қуйидаги маълумотлар берилади:

- хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот;
- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- хизматдан фойдаланиш муддатлари;
- хизмат кўрсатиш низоми ҳақидаги маълумот;
- хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот;

2.2. Батафсил маълумот олиш.

“Академик таътилга чиқиш учун ариза бериш” хизмати тўғрисида батафсил маълумотни ТАҚИнинг расмий веб-сайти орқали олиш мумкин.

2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 13-уй

3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари.

3.1. Иш вақтлари.

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: ҳафтанинг душанба – шанба кунлари соат 9⁰⁰ дан 18⁰⁰ гача).

3.2. Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари.

7 иш куни.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби.

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар.

- саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш учун академик таътил олишни сўраб мурожаат қилган талабанинг аризасига талаба доимий тиббий назоратда турган тиббиёт муассасаси комиссиясининг хулосаси, ҳарбий хизматни ўташ учун академик таътил олишни сўраб мурожаат қилган талабанинг аризасига тегишли туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларининг талабани ҳарбий хизматга чақириш ҳақидаги чақирув қоғози илова қилиниши лозим;
- ЭРИ (электрон рақамли имзо);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ).

4.2. Хизмат тўлови.

Бепул.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари

ТАҚИнинг расмий веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

- id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.
- “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Академик таътилга чиқиш учун ариза бериш” хизмати танланади;

- факультет, йўналиш (мутахассислик), босқич (1-7) ва талаба таълим олаётган гуруҳ танланади (киритилади);
- талабанинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади;
- керакли ҳужжатларнинг электрон нусхалари илова қилинади;
- оммавий оферта билан танишганлик тасдиқланиб, “Электрон рақамли имзо билан юбориш” функцияси танланади ва ариза юборилади.

4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни.

1. Масъул ходим мурожаат қилувчининг электрон почта манзилига ариза қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарни юборади.
2. Масъул ходим ТАҚИнинг “Академик таътилга чиққан талабалар” маълумотлар базасига мурожаат этган талаба ҳақидаги маълумотларни киритади (ушбу маълумотларда талабанинг академик таътилга чиқиш санаси, академик таътидан қайтиш санаси, қайтгандан сўнг ўқийдиган курси кўрсатилади).
3. Аризага рад жавоби берилса, рад этиш асослари мурожаат қилувчига юборилади.
4. Талаба академик таътилга чиқиш бўйича электрон ариза қабул қилганлиги ҳақида хабарни олгандан кейин, илова қилинган ҳужжатларнинг асл нусхасини 3 (уч) иш куни ичида ТАҚИга тақдим қилиши шарт.

4.5. Рад этиш сабаблари

- ариза шакли нотўғри ёки тўлиқ тўлдирилмаган бўлса;
- талаба талабалар сафидан четлатилган бўлса;
- талабанинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) нотўғри киритилса.

“КИРИТИЛДИ”
Тошкент архитектура
қурилиш институти
Кадрлар бўлими
бошлиғи


Н.Блази

“ 24 ” 12 2017 й.

“КЕЛИШИЛДИ”
Тошкент архитектура
қурилиш институти
Ахборот технологиялари
маркази бошлиғи


Э.Умматов

“ 24 ” 12 2017 й.